



THE NEED TO IMPROVE RISKS MANAGEMENT METHODS ASSOCIATED WITH ACTIVE OPERATIONS IN BANKS

Bo'tabayev Mehriddin Shaxobidinovich

Senior Researcher at the Research Center of the State Assets Agency
RUz, PhD, e-mail: mehr65@mail.ru, tel: +998901863946.

Eshmatov Masrur Qurbonovich

Student of the Higher School of Business and Entrepreneurship,
e-mail: meshmatov@sqb.uz, тел: +998947117717.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15241263>

ARTICLE INFO

Received: 10th April 2025
Accepted: 17th April 2025
Online: 18th April 2025

KEYWORDS

Commercial banks, asset operations, credit activity, investment activity, bank capitalization, risk types, asset operations risk management.

ABSTRACT

In recent years, as a result of targeted measures developed to increase the level of capitalization of the largest banks in our republic, banks have become able to provide long-term lending to business entities. At the same time, the presence of problem loans in the activities of commercial banks of the republic and the low level of diversification in their loan and investment portfolios indicate problems in proper risk management. This situation makes it necessary for Uzbek commercial banks to seek ways to improve the methods of managing risks associated with asset operations.

БАНКЛАРДА АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Бўтабоев Меҳриддин Шахобидинович

ЎЗР Давактивлари агентлиги Тадқиқот маркази етакчи илмий ходими,
ф.-м.ф.н., e-mail: mehr65@mail.ru, тел: +998901863946.

Эшматов Масрур Қурбонович

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби талабаси,
e-mail: meshmatov@sqb.uz, тел: +998947117717.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15241263>

ARTICLE INFO

Received: 10th April 2025
Accepted: 17th April 2025
Online: 18th April 2025

KEYWORDS

Тижорат банклари, актив операциялар, кредит фаолияти, инвестиция фаолияти, банк капитализацияси, риск турлари, актив операциялар рискларини бошқариш.

ABSTRACT

Сўнгги йилларда республикамизнинг йирик банклари капиталлашув даражасини ошириш борасида ишлаб чиқилган мақсадли чора-тадбирлар натижасида банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларни узоқ муддатли кредитлаш имконияти юзага келди. Шу билан бирга, республика тижорат банклари фаолиятида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги, улар кредит ва инвестиция портфелларида диверсификация даражаси пастлиги рисклар лозим даражада бошқаришда муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат Ўзбекистон тижорат банклари актив операциялари билан боғлиқ рискларни бошқариш усулларини такомиллаштириш йулларини излаш заруриятини келтириб чиқаради.



Миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири иқтисодиёт реал секторини модернизациялаш ва инновацион янгилаш дастурларини молиялаштиришда муҳим ўрин тутадиган республика банк тизими молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айти пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга ҳисобланади. Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган муҳим устувор йўналиш - бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ҳамда банк тизимининг ликвидлигини таъминлашдан иборатдир.

Ҳар қандай бозор иқтисодиёти субъекти ўз фаолияти давомида турли таваккалчиликларга дуч келиб, ўз вақтида рискларни баҳолаш, уларни бошқариш ва ҳам маълум маънода давлат томонидан тартибга солиб турилиши лозим. Банклар ҳар қандай жамиятда иқтисодиётнинг барқарор ишлашини таъминловчи механизмнинг асосий бўғинларидан бирини ташкил этиб, пул маблағларининг ҳаракатини бир маромда тутиб туриш, уни қисқа муддатга бўлса ҳам тўхтаб туришига йўл қўймаслик учун рискларни самарали бошқариш талаб қилинади.

Республикада оқилона ва таъсирчан банк назоратини амалга оширилиши бир тарафдан, банкларнинг ўз фаолиятларини тўғри ташкил этишларига ижобий таъсир кўрсатаётган бўлса, иккинчи тарафдан молия бозорида эркин рақобат муҳитининг вужудга келишига хизмат қилмоқда ва шу билан бирга, мамлакатимиз банкларининг халқаро даражада муносиб ўрин эгаллашларига замин ҳозирлаб бермоқда. Шунинг учун, амалдаги қонунчиликка биноан тижорат банклари Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларга риоя этишлари шартлиги, яъни ўз капитали ва ликвид маблағлари миқдорини талаб даражасида ташкил қилиши, активлар сифатини таснифлаш орқали шубҳали ҳамда ҳаракатсиз активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни шакллантириши, шунингдек, таваккалчилик даражасини тўғри бошқариш мақсадида активларни диверсификация қилиши лозимдир.

Сўнги йилларда республикада бир қатор йирик банклари капиталлашув даражасини ошириш борасида ишлаб чиқилган мақсадли чора-тадбирлар натижасида банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларни узоқ муддатли кредитлаш имконияти юзага келди. Жумладан, банкларнинг капиталлашувини ошириш бўйича олиб борилган ишлар республика банк тизими капиталнинг етарлилик даражасини қабул қилинган умумий халқаро стандартларга нисбатан юқори бўлишини таъминлади.

Шу билан бирга, республика тижорат банклари фаолиятида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги, улар кредит ва инвестиция портфелларида



диверсификация даражаси пастлиги рисклар лозим даражада бошқаришда муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Юқорида санаб ўтилган шароитларнинг мавжуд бўлиши Ўзбекистон тижорат банклари актив операциялари билан боғлиқ рискларни бошқариш усуллари такомиллаштириш йулларини излаш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу ҳолатни тадқиқ қилиш учун республикамиз энг йирик банкларидан бири бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ молиявий ҳолати тенденцияларини кўриб чиқайлик.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Ўзбекистон Республикасининг етакчи универсал тижорат банкларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг асосий соҳаларидаги йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиради, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни амалга оширади, шунингдек кенг кўламли чакана хизматларни кўрсатади. Банк фаолиятининг асосий йўналишлари иқтисодиётнинг таркибли ўзгартиришларида, корхоналарни модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, саноатни техник ва технологик қайта қуришда кенг кўламли иштирок этиш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва молиявий соғломлаштириш, ресурслар базасининг динамик оширилиши ҳисобланади. Инвестицион салоҳиятнинг, капиталлаштириш даражасининг доимий ошириб борилиши ва молиявий ресурслар манбаларининг диверсификацияси ҳам актив операцияларнинг кўламларини кенгайтириш учун, ҳам кредиторлар, депозиторлар ва инвесторларнинг олдида ўз мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажариш учун негизни яратиб беради.

Ўз фаолияти мобайнида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ энг йирик инвестицион институтлардан бири сифатида қарор топган. Ўта кучли рақобатга қарамай, банк мамлакат молиявий бозорида етакчи ўрин тутиб келмоқда, ҳамда корхоналарга ва ташкилотларга иқтисодиётнинг барча соҳаларида узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш учун замонавий банк хизматларининг бутун кўламини тақдим этувчи етакчи банклардан бири бўлиб, замонавий технологияларни жорий қилиш ва рақобатбадош маҳсулотни ишлаб чиқаришга кўмаклашиб келади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ нинг оҳирги йиллардаги фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми республика ҳукумати томонидан банк тизимига юклатилган иқтисодиётнинг реал соҳасидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш юзасидан вазифаларини амалга ошириш, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини ва макро-иқтисодий мувозанатлашувни, иқтисодиётнинг реал соҳасидаги туб асосий соҳаларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда аҳоли бандлигига кўмаклашиш, етакчи саноат соҳаларининг экспорт қилувчи корхоналарига ва кичик бизнесга йўналтирилган қўллаб-қувватлашни амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Оҳирги йиллар давомида Банк ўз фаолияти молиявий кўрсаткичларининг динамик ўсишини намоён этиб келган. Ҳозирда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ барқарор доимий равишда юқори ишончли банклар гуруҳига киради. Кредит лаёқатининг нисбатан юқори рейтинги Банкнинг бозордаги барқарор тутган ўрни, унинг ривожланишининг ижобий динамикаси, капитал сифати, активларининг яхши баҳоланиши, унинг ресурслар базаси билан белгилаб берилади.

Банк хизматларини кўрсатишга бўлган талаб даражасининг ортиши

1-жадвал


Банк фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичлари, трлн. сўм

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Активлар	24,02	30,50	34,89	49,04	56,51	64,26	74,63	87,60
Мажбуриятлар	21,78	27,65	28,65	42,34	48,81	56,44	65,91	77,57
Капитал	2,24	2,85	6,25	6,70	7,70	7,83	8,73	10,03
Соф фойда	0,09	0,24	0,70	0,80	1,00	0,59	0,91	1,30

Манба: «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ маълумотлари [1] асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

ҳамда Ўзбекистон банклари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши банк активларининг концентрацияланиши ортиб боришида ифодаланган.

Банк активлари барқарор равишда ўсганидан ташқари (1-жадвал) унинг тузилмаси ҳам оптималлаштириб борилган (1-расм). Банк активларининг Марказий банкдаги маблағлари ҳиссаси пасайиш тенденциясига эга бўлган, инвестициялар ва қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар улуши ортиб борган ва асосий воситалар улуши барқарор равишда ошиб борган. Ушбу ҳолат банк активларини диверсификациясини бир қадар оширган. Шу билан бирга, банк активларининг асосий ҳал қилувчи қисми кредит ва лизинг операцияларида банд бўлган.



1-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ активларининг тузилиши динамикаси, фоиз сўм [2]

Банк балансининг ликвидлигига юқори эътибор беради, шунинг учун активлар тузилиши таркибида кассадаги пул маблағлари ва ЎЗР Марказий банкдан олинадиган маблағлар шаклида молиявий ресурслар катта қисмини, яъни, мос ҳолда 1,7 трлн. сўм ва 1,1 трлн. сўмни ташкил этади. Ҳисобот йилида ликвид активларнинг даражаси анча юқори – активларнинг тузилиши таркибида 11,3% бўлган, бу эса Ўзбекистон



Республикаси Марказий банки томонидан ликвидлик бўйича белгиланган меъёрий талабларни ошири билан бажаришга (меъёри 10%) ва молиявий барқарорликнинг юқори даражасини таъминлашга имкон берди (2-жадвал).

2-жадвал


«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ 01.01.2025 йил ҳолатига молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

Асосий кўрсаткичлар	фоиз
Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	15,58%
I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	10,63%
Захиралар чегирилган ҳолда ҳаракатсиз кредитлар/жами хусусий капитал	10,23%
Ҳаракатсиз кредитлар/жами кредитлар миқдори	2,82%
Активлар рентабеллиги	2,00%
Капитал рентабеллиги	13,91%
Фоизли маржа/ялпи даромад	31,21%
Фоизсиз харажатлар/ялпи даромад	36,98%
Ликвид активлар/жами активлар	10,58%
Ликвид активлар/қисқа муддатли мажбуриятлар	26,51%
Жами хусусий капитал/жами активлар	11,44%
Очиқ валюта позицияси, соф / Жами хусусий капитал	7,22%


Манба: «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Банк томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилиши, омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун Банкнинг ўз капитали етарли бўлиши лозим. Шунинг учун Банк ривожланиш стратегиясининг муҳим таркибий қисми Банк жами капиталини барқарор кўпайтириш бўлган. Масалан, 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра Банкнинг ўз капитали 10,0 трлн. сўмга етказилган, бу эса ўтган йил даражасидан 1,3 трлн. сўмга ёки 14,9% га юқорироқ. Умумий капитал ошиши устав капиталининг ёки захира капиталининг ошиши ҳисобига амалга ошмаган, бироқ тақсимланмаган фойданинг – 1,2 млрд. сўмга (51,4%) ортиши ҳисобидан амалга оширилган (2-расм).

Шу билан бирга, банкнинг молиявий қарамлик даражаси ошиб бораётганини қайд қилиш мумкин. Бу эса ликвидлик рискларининг ошишига олиб келиши мумкин (3-расм). Ушбу ҳолатни таҳлил қилиш учун банк мажбуриятларининг тузилмасини кўриб чиқайлик. Ўтган ҳисобот йили учун мажбуриятларнинг умумий ҳажми 11,7 трлн. сўмга кўпайиб, 77,6 трлн. сўм миқдорида шаклланди.




2-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ устав фонди динамикаси, трлн.сўм. [2]



3-расм. Банкнинг молиявий қарамлик коэффиценти. [2]

Мажбуриятларнинг тузилмасини таҳлил қилганимизда талаб қилиб олинadиган депозитлар улуши катта эканлигини кўрамиз (4-расм). Ушбу ҳолат мажбуриятларнинг энг беқарор қисмларидан бирининг банк рискларини юқори сақланиб қолинаётганидан далолат беради. Шу билан бирга, талаб қилиб олгунга қадар депозитларнинг жами мажбуриятлар тузилмасидаги улуши пасайиб бориш тенденциясини ижобий баҳолашимиз керак.

Талаб қилиб олгунга қадар депозитлар улуши камайиб бораётгани шароитида муддатли депозитларининг улуши ошиб бораётгани, банк томонидан самарали депозит сиёсати юритилаётганидан далолат беради.



4-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ мажбуриятларининг тузилиши таркиби динамикаси, фоиз [2].

Бошқа банклар ва молиявий ташкилотларнинг ҳисобварақлари бўйича мажбуриятларнинг ўта беқарор характери ушбу соҳада муқим бир корпоратив молиявий сиёсат юритилмаётганидан далолат бериши мумкин.

Кредит ва лизинг операциялар бўйича мажбуриятлар улушининг қисқариб бориши ва банк томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозлар улушининг ошиб бориши банк мажбуриятларининг самарали секьюритизация қилинаётгани билдириши мумкин. Қисқа муддатли кредитлар ҳажмининг камайиб бориши ва узоқ муддатли қарз қимматли қоғозларнинг ҳажми ортиб бориши банк қарз капитални барқарорлаштириб, самарали актив операцияларни амалга оширишга замин тайёрлайди.

Хулоса қилиб айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ мисолида республика банклари актив операциялари билан боғлиқ рискларни бошқариш усулларини такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Банк соф фойдасининг динамикасидаги беқарорлик унинг рентабеллик кўрсаткичлари динамикасида ҳам беқарорликка сабаб бўлгани учун, банк даромадлари даражасини равонлаштирувчи риск-менежмент усулларини қўллаш талаб қилинади.
2. Банк активларининг диверсификацияси ижобий тенденцияга эга бўлгани билан, банк активлари тузилмасини янада оптималлаштириш юзасидан рискларни бошқариш усулларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

References:

1. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ молиявий ҳисоботлари.
2. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ молиявий ҳисоботлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.